

Барчага табассум ва очик чехрали бўлиш | Тўртинчи ҳақ



15:26 / 05.08.2025 1061

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Биродаринг юзига табассум қилишингда сенга садақа (савоби) бор”, деганлар. Яъни биродарингиз билан рўбаро бўлганда юзда хурсандчилик ва табассум билан кўриниш садақа бергандек савобга сабаб бўлади. Имом Ибн Баттол бу ҳақда: “Бу ҳадисда одамларнинг ўзаро табассум ва очик чехра билан бир-бирларига рўбарў бўлишлари нубувват ахлоқидан экани, бу эса кибрнинг акси ва муҳаббатни келтириб чиқарувчи эканига ишора бор”, деганлар.

Саҳобалардан Абдуллоҳ ибн Жазъ розияллоҳу анҳу: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан кўра кўпроқ табассум қиладиган бошқа ҳеч кимни кўрмадим”, деганлар.

Шундай экан биз ҳам очик чехра, табассумни кенг ёйишимиз лозим. Чунки булар одамлар орасида яқинлик ва муҳаббатни пайдо қилади. Боз устига, бу набавий суннат, Исломни ва мусулмонларни яхши кўрсатувчи омил, қалбларни очувчи калит, осонлик билан қўлга киритиладиган савобдир. Бундан ташқари очик чехрали ва табассумли бўлиш набавий тавсия ҳамдир:

Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: “Яхшиликдан ҳеч бирини арзимас санама. Гарчи биродарингга очик чехра билан рўбарў бўлиш(дек яхшилик)ни ҳам”,

дедилар”.

**Абдулҳамид Зайриевнинг
“Мусулмоннинг ҳақ ва вазифалари” китобидан**

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 16 январдаги 03-07/184-сонли хулоса хати асосида нашрга тайёрланди.